




ИЛГОР ТАЖРИБАЛАР, МАНФААТЛИ АЛОҚАЛАР



Кеча “Ўзэкспомарказ” мажмуасида коммунал соҳа, транспорт, капитал қурилиш ҳамда қурилиш саноати корхоналарининг тармоқ саноат ярмаркаси ва кооперация биржаси иш бошлади. У жорий йилнинг кузида бўлиб ўтадиган VII Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржасининг биринчи босқичи доирасида ташкил этилди.

Президентимиз ташаббуси билан аънавий тарзда ўтказиб келинаётган мазкур йирик анжуман иқтисодий тармоқлари, айниқса, саноатни ривожлантириш, ички ва тarmoқларо кооперация алоқаларини кенгайтириш, ташқи савдо бозорларига чиқиш борасида кенг имкониятлар эшигини очиб берди. Шу боис ишлаб чиқарувчиларнинг унга бўлган қизиқиши тобора ортиб бораётди. Бу галги ярмаркада 115 дан зиёд саноат корхо-



налари, шу жумладан, кўплаб кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари қатнашаётгани бунга мисол бўла олади. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 22 февралдаги “2013 йилда Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржасини ташкил этиш ва ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига асосан, жорий йилда ҳам саноат форумлари икки босқичда ўтказилмоқда. Негаки, юртимиз ишлаб

чиқарувчилари дастлабки босқичда узоқ муддатли хўжалик алоқаларини шакллантириш мақсадида ички тармоқ ва тarmoқларо кооперация алоқаларини ўрнатсалар, иккинчи босқичда маҳсулотларини хориқлик мутахассисларга кенроқ таништириш, чет эллик ҳамкорлар топиш ва бозор инфратузилмасини яратиш имконига эга бўлишади.

(Давоми 2-бетда).

Янгиликлар, воқеалар, хабарлар

“Навий” эркин индустриал-иқтисодий зонасида жойлашган “Poligroripien quvurlar” шўъба корхонасига Австриядан 1,3 миллион АҚШ долларлик технологик линия келтирилди.

Янги линия ишга туширилди

Бу ерда диаметри 75, 90, 110 миллиметрли полипропилен қувурлар ҳамда уларни боғловчи қисм (фитинг)лар тайёрлаш йўлга қўйилди. Модернизациялаштириш тадбирларидан сўнг дастгоҳларни бошқариш учун 25 нафар мутахассис ишга жалб қилинди. Эътиборлиси, уларнинг аксарияти касб-хунар коллежларини тамомлаган йигит-қизлардир.

А. ЗАРИПОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Хорижда ҳам талаб катта

Бухоро туманидаги “Работикалмоқ” қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудда жойлашган “Бухоро шатен клан” корхонасида айни пайтда қирқ нафарга яқин ишчи фаолият кўрсатмоқда.

Бу ерда хориждан сотиб олинган замонавий технологик линия воситасида кунига 8-9 тоннага яқин кир ювиш воситалари ишлаб чиқарилмоқда. Бежирим халтачаларда қадоқланган маҳсулотларга эса чет эллик харидорларнинг қизиқиши тобора

И. ИБРОҲИМОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Ташаббус меваси

Сирдарё туманидаги “Йўлчибой ота” кўп тармоқли фермер хўжалиги раҳбари Муҳаммадхон Хўжаев — ташаббускор тадбиркорлардан бири.

Унинг савий-ҳаракати билан ўтган йили 1,5 гектар майдонда иссиқхона барпо этилган. Айни пайтда бу ердан йилга 2 марта ҳосил олинмоқда.

— Банкинг 200 миллион сўмлик кредити эвазига ушбу лойиҳани амалга оширдик, — дейди М. Хўжаев. — Бугунги кунда иссиқхонада экилган 30 минг туپ помидор кўчати ҳосилга кирган. Эътиборлиси, илк мавсумда 100 миллион сўмлик даромад олишга эришдик.

Ш. ХОЛМУРОВОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Арзон ва сифатли

Узун туманилик тадбиркор Мамлакат Мўминова “Хуришдабон” хусусий корхонасини ташкил этиб, нон ва нон маҳсулотлари тайёрлашни йўлга қўйди.

— Цехимиз хорижий тежамкор технологиялари билан тўлиқ жиҳозланган, — дейди тадбиркор. — Шу боис маҳсулотларимиз таннархи анча арзон. Сав-

Н. ТЕМИРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ШУКРОНАЛИК

Тўқсон учга кирдим. Тўй-маъракаларда ёшлар кўпинча мендан узоқ умр кўришини сири ҳақида сўрашади. Шунда ўзим ҳаётда амал қилиб, кам бўлмаётган хислатларимни уларга бирма-бир санайман: аввало, ҳар бир киши она-Ватанини севиши, ундаги ҳар бир ўзгариш ва бунёдкорликдан қувониб яшаши керак.

Ватан қадрли улуғ

Халқимиз бежиз одам яхши кунларни кўриб яшаради, демаган-да. Президентимиз шижоати ва жасорати туфайли Ўзбекистонимиз мустақилликка эришган кунда шундай севиңдимки, унда бир яшардим. Давлатимиз раҳбари раҳнамолигида мамлакатимиз галла мустақиллигига эришгани ҳақидаги хушхабарни эшитиб, кўзларимдан ёш қалди. Негаки, биз, кекса авлод вакиллари, Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ноннинг қадрини қанчалик бандан эканини яхши биламиз. Айниқса, ўз даланда етиштирилган буғдойдан қилинган қонун лойиҳаси кўриб чиқилди. Қонун лойиҳаси Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 24 июлда қабул қилинган «Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш ва аттестациядан ўтказиш тизимини янада такомиллаштиришга қаратилган қонун лойиҳаси кўриб чиқилди. Қонун лойиҳаси Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 24 июлда қабул қилинган «Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш ва аттестациядан ўтказиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги Фар-

(Давоми 2-бетда).

ДЕПУТАТЛАР ҚОНУН ЛОЙИҲАЛАРИНИ БИРИНЧИ ЎҚИШДА МАЪҚУЛЛАДИЛАР

Депутатлар Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси кун тартибига киритилган бир қатор қонун лойиҳаларини биринчи ўқишда кўриб чиқдилар.

ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

Биринчи навбатда олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрларни тайёрлаш ҳамда аттестациядан ўтказиш тизимини янада такомиллаштиришга қаратилган қонун лойиҳаси кўриб чиқилди. Қонун лойиҳаси Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 24 июлда қабул қилинган «Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш ва аттестациядан ўтказиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги Фар-

монига мувофиқ ишлаб чиқилган. Унда умумқабул қилинган халқаро талаблар ва стандартларга мувофиқ, диссертация ҳимоя қилиш ва фан доктори илмий даражасини бериш бўйича олий ўқув юртиндан кейинги таълимнинг бир босқичли тизимини жорий этиш назарда тутилмоқда. Шу муносабат билан қонун лойиҳаси Меҳнат ва Уй-жой кодекслари, «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Фар-

қонунларга, шунингдек, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурига уларнинг нормаларини қабул қилинган Фармонга мувофиқлаштиришга қаратилган тегишли тузатишлар киритишни кўзда тутди. Депутатлар мансабдор шахсларнинг жавобгарлиги институти такомиллаштирилиши муносабати билан Жиноят кодексига тузатишлар киритишни назарда тутувчи қонун лойиҳасини кўриб чиқиш пайтида, ҳуқуқий амалиёт талабларидан

(Давоми 2-бетда).

МАҲАЛЛА САЙЛОВИНИНГ МУСТАҲКАМ ҲУҚУҚИЙ КАФОЛАТИ

Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида “Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида”ги Қонунга фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари раислари сайлови тизимини янада такомиллаштириш, фуқаролар ижтимоий фаоллигини кучайтиришда маҳалланинг аҳамияти ҳамда роли оширилишини таъминлайдиган чора-тадбирларни назарда тутувчи ўзгариш ва қўшимчалар киритиш гоёси илгари сурилган эди. Ўтган даврда ушбу тақлифлар асосида Қонун янги тахрирда ишлаб чиқилди ҳамда 2013 йилнинг 24 апрелидан кучга кирди. Шу муносабат билан давлат ва жамоат ташкилотлари вакилларининг мазкур норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг мазмун-моҳияти ҳамда аҳамияти хусусидаги фикрлари билан қизиқдик.

ҚОНУН КУЧГА КИРДИ

Раҳимахон КЎРҒОНОВА,
Олий Мажлис Сенати аъзоси:

— Янги тахрирдаги “Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида”ги Қонун шу йўналишдаги ис-

лохотларни янада чуқурлаштириш, пировардида маҳалланинг ҳаётимизда тугган ўрни ва аҳамиятини юксалтиришга қаратилганлиги билан аҳамиятлидир. Аввало, ушбу Қонунни такомиллаштириш бўйича кенг жамоатчилик

фикрини ҳисобга олиш мақсадида Сенат томонидан жойларда давра суҳбатлари ва семинарлар ташкил этилганини айтиш жоиз. Жойларда Қонуннинг ижро этилиши назорат-таҳлил тартибиде ўрганилди. Тадбирлар якуни

бўйича қонунчилик ташаббуси субъектига тақлифлар киритдик, муҳими, ушбу тақлифлар қонун ижодкорлиги жараёнида инobat-га олинди.

“Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида”ги янги тахрирдаги Қонун 5 боб ва 33 моддадан иборат. Ушбу Қонун бир қатор янги моддалар билан тўлдирилди, кўплаб қоидаларнинг мазмун-моҳияти муайян даражада ўзгаририлди. Жумладан, фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказиш масалаларида ҳокимият вакиллик органлари, энг аввало, Олий Мажлис Сена-

тининг роли ва масъулияти янада оширилди. Хусусан, Сенат Кенгашига фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларига сайловни ўтказиш муддатларини, сайловга тайёргарлик тадбирларининг ўтказилиши муддатлари ва тартибини, яширин овоз бериш бюллетенларининг намуналари ва шакллари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишга кўмаклашувчи комиссиясини тузиш каби муҳим ваколатлар берилди.

(Давоми 2-бетда).

Долзарб масалалар муҳокамаси

Комиссия раиси, Бош прокурор Р. Қодиров бошқарган йиғилишда Ўзбекистон Республикасининг “Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида”ги Қонуни ижроси аҳволи ҳамда бу борада Бухоро ва Қашқадарё вилоятларида амалга оширилган ишлар муҳокама қилинди.

Таъкидланганидек, барқамол авлодни тарбиялаш бўйича амалга оширилаётган комплекс дастурлар доирасида мамлакатда вояга етмаганларнинг назоратсизлиги ва ҳуқуқбузарликларининг олдини олиш борасида мақсадли тадбирлар ўтказиб боришмоқда.

(Давоми 2-бетда).

БИР
РАҚАМ
ШАРҲИ

САНОАТ
ТАРМОҚЛАРИ
ЖАДАЛ
РИВОЖЛАНМОҚДА

2013 йилнинг дастлабки чорагида мамлакатимизда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми

6
фоизга
ўсди.

Саноат тармоқларини модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш, ишлаб чиқаришни диверсификациялаш, рақобатбардош маҳсулотларнинг янги турларини ўзлаштириш ҳамда уларни экспорт қилиш ҳажмлари ва турларини кўпайтиришга қаратилган ҳаётли дастурларнинг изчил ижросини таъминлаш бўйича қўрилган амалий чора-тадбирлар туфайли ана шундай юқори ўсишга эришилди.

МОЛИЯ МУАССАСАЛАРИДА



Кейинги йилларда мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришда алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бунда молия муассасаларининг ҳам ҳиссаси салмоқли бўлаётир. Негаки, банклар нафақат кредит ажратувчи ёки пул операцияларини бажарувчи, балки молиявий-иқтисодий таҳлил асосида ана шу субъектлар фаолиятини чуқур ўрганиб, зарур бўлса, уларга тавсия ҳамда маслаҳатлар берувчи ташкилот сифатида ҳам намоён бўлаётти.

гишли Фармон ва қарорларида белгиланган вазифалар дастурига асосланган. Хусусан, Президентимизнинг 2004 йил 25 майдаги «Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонда Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, республика хотин-қизлар жамоат ташкилотларининг аёллар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш,

КИЧИК БИЗНЕС РИВОЖИ — ФАРОВОНЛИК ОМИЛИ

Хусусан, «Ипотека-банк» кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш борасида ўзига хос тажрибага эга. Яъни ушбу банк кредитлари, асосан, қорхоналарга зарур хом ашё, минитехнологияларни харид қилиш, фермер ва деҳқон хўжалиқларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш сингари лойиҳаларга йўналтирилмоқда.

Шу билан бирга, банк жорий йилнинг «Обод турмуш йили» деб эълон қилиниши муносабати билан кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектлари ўртасида танлов эълон қилган эди. Мазкур танлов ғолиблари яқинда пойтахтимизда бўлиб ўтган «BankExpo — 2013» миллий кўргазмасида аниқланди. «Энг яхши ёш тадбиркор ва коллеж битирувчиси лойиҳаси» номинацияси бўйича биринчи ўринга банкнинг Бухоро вилояти филиали мижози — «Газберон ширмой номи» масъулияти чекланган жамияти муносиб кўрилган бўлса, «Энг яхши аёл тадбиркор лойиҳаси» йўналишида Жижзах вилоятидаги «Жўшқун Шалоба» хусусий қорхонаси, «Энг яхши инновацион лойиҳа» йўналишида Бухоро вилоятидаги «Адолат транс строй текстиль» масъулияти чекланган жамияти, «Энг яхши оилавий тадбиркор» номинациясида Қорақалпоғистон Республикасидаги «Қудрати Хайбат» хусусий фирмаси, «Энг яхши фермер» номинациясида банкнинг Миробод филиали мижози — «Абдурахманов Иброҳим Агро» фермер хўжалиги, «Меҳнат ресурслари ортиқча бўлган туманлардаги энг яхши лойиҳа» номинациясида эса Қашқадар вилоятидаги «Чирчиқ тежамкор газ таъминоти» масъулияти чекланган жамияти ғолиб, деб топилди.

Танлов ғолибларига имтиёз кредит олиш ҳуқуқини берувчи сертификат ва қимматбаҳо совғалар топширилди. Бундан ташқари, тадбиркорлик субъектларининг инновацион лойиҳаларни татиб қилиш ва маҳаллий хом ашёдан тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришга қаратилган лойиҳалари ҳам

даланаётганидан мамнунмиз. Дарҳақиқат, бугунги кунда «Ипотека-банк» сармояларидан оқилона фойдаланиб, эл-юртига наф келтираётган ишбилармонлар ўшбур. Банк томонидан ушбу соҳа вакилларига жорий йилнинг биринчи чора-тадбирлари бўлиб қўйилган. Мазкур маълумотлардан 118,8 миллиард сўм миқдорда кредит ажратилгани шундан далолат беради.

Маълумки, ҳар бир молия муассасасининг самарадорликка эришишида уларга яратилаётган имконият ва имтиёزلарнинг аҳамияти ниҳоятда катта. Чунки рағбат ва эътибор тижорат банклари-нинг филиаллари сонини кўпайтириш бораборида, улар ўртасида соғлом рақобат мўлҳитини ҳам шакллантиради. Шу маънода, «Ипотека-банк» ўзининг филиаллари ҳамда минибанкларига хизмат кўрсатиш тури ва даражасини изчил тақомиллаштириб бормоқда. Ҳозирги кунда республикаимизда 37 та филиали ҳамда 122 та минибанки мавжуд бўлиб, улар томонидан миқдорлар, айниқса, ёш оилаларга кенг қамровли банк хизматлари кўрсатилаётир, яъни ипотека ва истеъмо кредитлари тақдим қилинмоқда. Бу эса уларнинг турмушига фойдаланган кўп қисмига алоқадор бўлиб қираяпти.

Мамлакатимизда, шунингдек, хотин-қизларни ҳам томонлама қўллаб-қувватлаш, уларга молиявий ва ҳуқуқий қўллаб-қувватлаш ушбу соҳа шарт-шароит яратилганини қўлчиликка аён. Бу борада, албатта, соҳага оид қўнуқчилик ҳужжатлари, Юртбошимизнинг те-

ларнинг мамлакатимиз сиёсий, иқтисодий, иқтисодий ва маданий ҳаётида тўлақонли иштирок этишини таъминлаш, хотин-қизлар ҳамда ёшларнинг маънавий ва интеллектуал салоҳиятини ошириш бўйича қўллаб-қувватлар ўз ифодасини тоғган.

«Ипотека-банк» томонидан йил бошидан буюн тадбиркор аёлларга **15,6 миллиард сўмлик** кредит ажратилди. Бу сармоялар уларни рағбатлантириш, жамиятдаги ўрни ва ролини ошириш сингари эзгу мақсадларга хизмат қилаётгани билан аҳамиятлидир.

Жаҳон тажрибасидан билмадикки, мамлакат иқтисодиёти тараққий этгани сари саноат тармоқлари билан бир қаторда, сервис соҳасига ҳам эътиб эортлади. Бошқача айтганда, юксак даражадаги сервис хизмати глобал иқтисодий майдоннинг муҳим талабларидан бири саналади. Республикаимизда бошқа соҳалар қаторида аҳолига сервис ва маиший хизмат кўрсатиш қўламини тобора кенгайтиб бораётганининг боиси ҳам шунда. «Ипотека-банк» жамоаси ҳам мазкур йўналишдаги ишловларда фаол иштирок этимоқда. Банк томонидан жорий йилнинг биринчи чорагида соҳа ишбилармонлари учун 24,2 миллиард сўм миқдорда кредит ажратилгани, бу қўрсаткич ўтган йилнинг шун қадар кўрага нисбатан сезиларли даражада юқорилиги фикримиз исботидир.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, бугунги кунда «Ипотека-банк» жамоаси миқдорлар — ишбилармонлар, тадбиркор аёллар ва ёш оилаларни молиявий қўллаб-қувватлаш орқали юртимиз раванки, халқимиз турмуш фаровонлигини янада оширишга хизмат қилмоқда.

Д. УЛУМҒУРДОВ.

«REALTOR GARANT BUSINESS» МЧЖ

бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очик аукцион савдоларига таклиф этади.

Аукцион савдосига қўйидаги кўчмас мулклар такронан кўйилмоқда.

1. Бекобод шаҳар СИБ томонидан 2011 йил 14 ноябрдаги 13129-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Бекобод шаҳри, Аббосов кўчасида жойлашган цемент омборхонаси ва унинг ёнидаги қурилиш тугалланмаган савдо дўкони.
Бошланғич баҳоси — 76 322 634 сўм.
2. Юкори Чирчиқ тумани СИБ томонидан 2011 йил 3 ноябрдаги ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Юкори Чирчиқ тумани, Султонрабат даҳаси, Паркент кўчасида жойлашган чойхона биноси.
Бошланғич баҳоси — 87 961 936 сўм.
3. Чиноз тумани СИБ томонидан 2011 йил 22 июлдаги 1128/0506-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Чиноз тумани, Нарвўз кўчасида жойлашган йўл қурилиш-таъмирлаш маъмурий биноси.
Бошланғич баҳоси — 54 259 470 сўм.
4. Чиноз тумани СИБ томонидан 2009 йил 17 сентябрдаги 11-0928/9686-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Чиноз тумани, Чиноз шаҳри, Ф.Хўжаев кўчасида жойлашган бино-иншоотлар.
Бошланғич баҳоси — 51 937 290 сўм.
5. Қўйи Чирчиқ тумани СИБ томонидан 2012 йил 12 январдаги 402-403-404-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Қўйи Чирчиқ тумани, «Тошовул» ҚФЙ, Отажонов кўчасида жойлашган дукон биноси.
Бошланғич баҳоси — 27 810 000 сўм.

Аукцион савдоси 2013 йил 15 май куни соат 11.00 да бўлиб ўтади.

6. Ўрта Чирчиқ тумани СИБ томонидан 2012 йил 10 декабрдаги 1-391/12-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Ўрта Чирчиқ тумани, «Ўртасарой» ҚФЙ, Водник маҳалласидаги 9-ўй.
Бошланғич баҳоси — 39 000 000 сўм.
7. Ўрта Чирчиқ тумани СИБ томонидан 2011 йил 27 майдаги 3049-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Ўрта Чирчиқ тумани, «Дўстлик» ҚФЙ, Эвалак маҳалласи, О. Шарофуддинов кўчасидаги 172-ўй.
Бошланғич баҳоси — 35 000 000 сўм.
8. Чирчиқ шаҳар СИБ томонидан 9585-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри, Алишер Навоий кўчасидаги 92-ўй.
Бошланғич баҳоси — 83 980 000 сўм.
9. Бўқа тумани СИБ томонидан 2012 йил 7 июндаги 6067/9-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Бўқа шаҳри, Ўзбекистон кўчасида жойлашган, бир қаватдан иборат бўлган бино.
Бошланғич баҳоси — 48 653 194 сўм.
10. Бўстонлик тумани СИБ томонидан 2012 йил 17 сентябрдаги 1-423-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Бўстонлик тумани, «Хумсон» ҚФЙ, Қизил чорва қишлоғида жойлашган дала-ҳовли.
Бошланғич баҳоси — 325 950 000 сўм.

Аукцион савдоси 2013 йил 31 май куни соат 11.00 да бўлиб ўтади.

Юкоридаги кўчмас мулклар 2013 йил 31 май кундаги савдода сотилмаган тақдирда, уларни сотиш юзасидан такрорий савдо 2013 йил 17 июнь куни бўлиб ўтади. Савдога қўйилган кўчмас мулклар билан Суд департаменти вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш истигадида талабдорлардан аризалар иш кўнлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилиш шарт: 20208000304936050001, МФО: 00425, СТИР: 207125885.

Манзил: Тошкент ш., Юнусовд тумани, 17-қават, 3-ўй, 1-хонадон. Телефон: (+99893) 677-22-12.

Лицензия: RR-0052.

«SN INVEST» КОМПАНИЯСИ

куйдагиларни етказиб беради:

- гўзапоэ ўрадиган комбайн
- ўт ўрадиган комбайн
- макка ўрадиган комбайн
- жўхори йиғувчи комбайн
- КИР 1,5 ўт майдалаш мосламаси
- пресслайдиган мослама
- сомон йиғувчи мосламалар
- тракторлар
- бог ва ферма учун тракторлар
- гусеничли тракторлар
- картоска экадиган комбайн
- бўғдой экадиган саялка
- дори сепадиган мосламалар
- сачратиб сугорувчи мосламалар
- ем майдалаб тарқатувчи техника
- культиваторлар
- плуг, айланма плуг, дискили плуг
- юкловчи экскаватор, бульдозер

Тел: (+99871) 150-58-58, 150-69-69. www.sninvest.uz E-mail: info@sninvest.uz

Ўзбекистон Банклари ассоциацияси ҳузурида ташкил этилган Иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларидаги инвестиция лойиҳалари бўйича лойиҳа ҳужжатларини тайёрлашни молиялаштириш фонди

кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг лойиҳа гоёларини аниқлаш бўйича танлов эълон қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 26 ноябрдаги «2011 — 2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юкори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида»ги ПҚ-1438-сонли ва 2011 йил 7 февралдаги «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» Давлат дастури тўғрисида»ги ПҚ-1474-сонли қарорлари ижросини таъминлаш ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг инвестиция лойиҳаларида иштирокини рағбатлантириш йўли орқали улар учун янада қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида Ўзбекистон Банклари ассоциацияси ҳузурида Инвестиция лойиҳалари бўйича лойиҳа ҳужжатларини тайёрлашни молиялаштириш фонди ташкил этилган.

Фонд томонидан лойиҳа гоёларини аниқлаш ва лойиҳа ҳужжатларини молиялаштириш танлов асосида амалга оширилади ҳамда республика тижорат банклари томонидан инвестиция лойиҳаларининг молиялаштирилишини ташкил этишга қўмақлашади.

Танлов қўйидаги йўналишларда амалга оширилади: янги ишлаб чиқаришни ташкил этиш, жорий фаолият кўрсатаётган саноат қорхоналарини модернизациялаштириш ҳамда техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш, янгилаш.

Танловда қатнашиш учун инвестиция жиҳатдан жоизбадорликка ва саноат соҳасида татибқ этиш истиқболига эга, шунингдек, маҳаллий хом ашё ва материаллардан фойдаланган ҳолда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш, сифатини яхшилаш ҳамда меҳнат унумдорлигини ошириш имконини берувчи ва бошқа гоёлар қабул қилинади.

Танловда ўз лойиҳа гоёларини ҳамда улар бўйича лойиҳа ҳужжатларини тайёрлаш ва молиялаштириш учун юридик шахслар иштирок этишлари мумкин.

Танловда иштирок этиш учун қўйидаги ҳужжатларни тақдим этиш лозим:

- ариза (намуна бўйича);
- инвестиция таклифи (намуна бўйича);
- инвестиция таклифи паспорти (намуна бўйича).

Батафсил маълумот учун телефонлар: (+998 71) 238-69-07, 238-69-08.
Web-site: www.ffpd.uz E-mail: pdf.fund@gmail.com
Манзил: 100027, Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, А. Хўжаев кўчаси, 1-ўй, Ўзбекистон Банклари ассоциацияси биноси, 15-қават.
Мўлжал — «Истиклол» санъат саройи, метронинг «Бунёдкор» бекати.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ БОЖХОНА ҚЎМИТАСИ ТОШКЕНТ ШАҲАР БОЖХОНА БОШҚАРМАСИ

компьютер техникаларини харид қилиш бўйича танлов эълон қилади.

Тақлифлар техник ва тижорат қисмларга ажратилган алоҳида ёпиқ конвертларда, устки қисмига «Компьютер техникаларини харид қилиш бўйича танловга» сўзлари ёзилган ва муҳранган ҳолда топширилиши шарт.

Тақлифларнинг техник ва тижорат қисмлари конвертлари устки қисмига мос равишда «Техник қисми» ва «Тижорат қисми» сўзлари ёзилган бўлиши шарт.

Танлов бўйича таклифлар 2013 йил 27 май соат 17.00 гача қабул қилинади.

Танловнинг максимал нархи — 192 074 800 сўм.
Танлов ҳужжатларининг нархи — 159 180 сўм.

Қўшимча маълумотлар ва танлов ҳужжатларини олиш учун қўйидаги манзилга мурожаат этиш мумкин:
Тошкент шаҳри, Бунёдкор шоҳкўчаси, 35-ўй. Телефон: (8-371) 120-76-76, ички: 38-73, 38-72.
Ўзбекистон Республикаси МБ ХКМ, x/p: 21506000200447987018,
МФС: 00014, ОКОНХ: 97200, СТИР: 200637640.

«КО'СНМАС MULK SAVDO KIZMATI» МЧЖ

бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади.

Аукцион савдосига Олмазор тумани СИБ томонидан Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2011 йил 21 июлдаги 10-1117/7803-сонли, 2011 йил 9 мартдаги 10-1008/21203-сонли, 2011 йил 16 майдаги 10-1114/4969-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Уста Ширин 1-тор кўчаси, 254-уйда жойлашган, ер участкасининг умумий майдони 481 кв.м., умумий майдони 979 кв.м., фойдаланиш майдони 832,15 кв.м. бўлган ертўлали, икки қаватдан иборат маъмурий бино такронан кўйилмоқда.

Манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Корақамиш кўчаси, 1-«А» уй.
Телефон: (8-371) 228-79-52, www.1kms.uz

Лицензия: RR-0001.

POLIMER GROUP «Polimer Group Asia» МЧЖ

совуқ сув ва газ учун Ø 63-800 мм.гача бўлган полиэтилен қувурлар ҳамда фитинглар, ПВХдан тайёрланган, бургилашдан кейин қўйиладиган «вертикал ер ости» қувурлари ишлаб чиқаради.

Шунингдек, Европанинг «Pitmo» фирмасининг полиэтилен қувурларини, Ø 3-1200 диаметр гача бўлган пайвандлаш ускуналарини таклиф этади.

Кичик ҳажмларда «SG-5» ёки «К-67» га тенг бўлган ПВХ хом ашёсини миллий валютادا харид қилади.

Шиоримиз — сифатли маҳсулот миқдор учун.

Тел.: (+99898) 305-70-06, (+99890) 321-95-25, (+99871) 269-02-03.
Факс: (+99871) 262-05-07. E-mail: info@pga.uz

«FARG'ONA KIMYO ZAVODI» МЧЖ

танлов асосида буг қозони сотиб олишини эълон қилади.

Қозоннинг техник параметрлари: бир соатда 25 тонна буг ишлаб чиқарадиган, 200-210 даража иссиқлик ҳароратига, 16-18 кгс/см² босимига сув тозаловчи кимёвий мосламага эга бўлиши шарт.

Ёнилли сифатида табиий газ ва ДСТ 10585-75 мазутидан фойдаланилади.

Етказиб бериш шарти — СІР, Ўзбекистон Республикаси, Фаргона шаҳри.

Тўлиқ маълумот олиш учун қўйидаги тел./факс: (8-373) 223-45-01, 223-58-16 ёки электрон манзил: e-mail: furanzavod@mail.ru га мурожаат қилиш мумкин.

«Қамчиқавтойл»

ихтисослаштирилган йўллардан фойдаланиш қорхонаси

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 27 мартдаги 73-сонли йиғилиш баёнига асосан, қорхона учун **ДЭС-400 КВТ ҳамда ДЭС-100 КВТ (400 в. 50 Гц) кучланишга эга бўлган замонавий типдаги дизель генераторлари етказиб бериш бўйича танлов эълон қилади.**

Алоқа телефони: (8-371) 212-70-37.
Факс: (8-371) 121-70-04.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси Қўмига аъзоси Замир Нарзуллоевчи Алишова волида муҳтарамаси **ФАЙНА** аянинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Тошкент ислом университети жамоаси оромгоҳ директори Абдумажид Юлдашевча волида муҳтарамаси **ҚУМРИ** аянинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«O'zbekiston» телерадиоканали жамоаси Маданий-маърифий ва бадиий эшитиришлар муҳарририяти катта муҳаррири Назолат Тошқулова падари бузруквори **Холжуд ТОШҚУЛОВ**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«Ўзбекистон темир йўллари» ДАТК раҳбарияти ҳамда Ўзбекистон темир йўлчилари ва транспорт қурувчилари Касаба уюшмаси Марказий кенгаши «Ўзтемирйўлмашта-мир» унитар қорхонаси бош директори Аборот Исламовга падари бузруквори **АНВАР** отанинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

ХУНАРМАНДЧИЛИК

Истиклол шарофати билан миллий хунармандчиликни қайта тиклаш ва юксалтиришга алоҳида эътибор қаратилгани унинг янада раванқ топишига кенг йўл очди. Хусусан, Президентимизнинг халқ бадиий хунармандчилиги ва амалий санъатини янада ривожлантиришга оид Фармони хунар эгаларининг иқтидор ҳамда интилишларига қанот бағишлади.

Наманганни азалдан хунармандлар юрти, дейишади. Вилоят ахли бу эътирофга гуллар шаҳрида тўқилган бежирим атласу адрас, Чустнинг машхур дўппи ва пичоқлари, Попнинг олтин тупроғидан дунёга келган қулоллик ҳамда бошқа совгабоп буюмлари билан сазовор бўлган. Дарҳақиқат, бу заминда хунар эгалари жуда кўп. Айни кунда уларнинг 850 нафардан кўпроги "Хунарманд" уюшмаси атрофида бири-бирига халқ иқидоитининг 25 йўналиши билан шугуллангани ҳолда, мингдан ортиқ маҳсулотлар тайёрламоқда. Жумладан, ёғоч уймақори Махмуджон Жўраев ва халқ амалии санъати устаси Аскарбек Акбаров "Ўзбекистон Республикаси халқ устаси" унвони билан тақдирланган бўлса, зардўликни эъозлаб келатган Зебо Азизбоева "Жасорат", атласни Латифжон Аҳмаднов ва чиннисоз Нейматжон Солиев "Шўхрат" медалли соҳибидир.

ЭЪТИБОР ВА ИМКОНИЯТ САМАРАСИ



ган ёшларнинг иқтидорига хорижликлар ҳам ҳавас билан қарашади. Бундай ёшларнинг ҳар томонлама қўллаб-қувватланиши улар сафини кенгайтириб, иқтидорига сайқал бермоқда. Бу борада жойларда ташкил этилган "Устоз — шогирд" мактабларининг ўрни катта бўлаётир. Айни чоғда вилоятда 83 та ана шундай мактаб очилган бўлиб, биргина жорий йилнинг ўтган икки ойи давомида уларга 378 нафар ёш жалб этилди. Кейинги уч йил давомида мазкур мактабларни битириб чиққан 759 нафар устозданнинг 123 нафари уюшма аъзоллигига қабул қилинди.

да кашта тиқиш орқали безак бериб, ўз йўналишини яратди. Ёш истеъдод эгаси ўтган йили Бўжоро шаҳрида ўтказилган "Ипак ва зирavorлар" халқаро фестивалида ижодий ишларини намойиш қилди. Ушбу тадбирдаги фаол иштироки унга орадан кўп ўтмай пойтахтимизда ташкил этилган "Навқирон Ўзбекистон" фестивали ашиқларини очди. Бундан руҳланган Хуршида "Хунарманд" уюшмасининг яна бир аъзоси Нозима Абдусаматова билан хайри ишга қўл урди. Икки дугона Наманган шаҳридаги 26-Меҳрибонлик уйда тарбияланган кизлардан 12 нафари муҳим аҳамият касб этмоқда. Масалан, ёғоч уймақорлиги хунарига меҳр қўйган ўн саккиз ёшли Алихон Абдуғаниев нақшли ёғоч буюмлари билан "Ташаббус" танловининг вилоят босқичига етиб борди. Яна

фонди, "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати билан ҳамкорликда ёшларни хунарга йўналтириш, уларнинг оилавий бизнесни йўлга қўйиш борасидаги лойиҳаларини қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор бериб келаётир. Шу мақсадда шаҳар ва туманларда ўтказилган ўқув-семинарлари, давра суҳбатлари, уч-рашувлар чоғида тадбиркорлик фаолиятини бошламоқчи бўлган 2500 дан зиёд хунармандга зарур маслаҳат ҳамда йўл-йўриқлар берилди. Жумладан, уюшма аъзоларидан 12 нафарига ўтган йили 40 миллион сўм миқдорда имтиёзли кредит олишлари учун амалий ёрдам кўрсатилди.

Обод турмуш йилида хунарманд бўлиш ниятидаги ёшларнинг иқтидорини рўёбга чиқариш, уларнинг истиқболли лойиҳаларини амалга оширишни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш юзасидан қатор вазифаларни белгилаб олганмиз. Бу вазифалар улар ишлаб чиқарган товарлар сотувини ташкил этиш, оилавий тадбиркорликни ривожлантириш, хунармандлар маҳсулотларининг экспортга чиқишига қўмаклашиш сингари тадбирлар мисолида босқичма-босқич амалга оширилимоқда.

Икромжон ҚАРИМОВ, Республика «Хунарманд» уюшмаси Наманган вилояти бошқармаси бошлиги.

Берлинда ахборот кечаси

Берлиндаги "Карлсхорст" маданий марказида Ўзбекистоннинг сайёҳлик салоҳиятига бағишланган ахборот кечаси бўлиб ўтди.

Мамлакатимизнинг Германиядаги дипломатия миссияси томонидан "Kulturring in Berlin e.V." ижтимоий-маданий ташкилоти билан ўзаро ҳамкорликда уюштирилган мазкур тадбирда Берлин шаҳрининг жамоатчилиги, илм-фан ва ишбилармон доиралари вакиллари ҳамда журналистлар қатнашди.

БИЗ ВА ЖАҲОН

Ахборот кечаси доирасида юртимиздаги тарихий шаҳарлар ва меъморий ёдгорликлар акс этган сурат ҳамда видеолавлар билан бойитилган тақдимот ўтказилди. Ўзбек халқининг бой тарихи ва аънавлари, буюк аждодларимизнинг жаҳон илм-фан таракқиётига қўшган бебахо ҳиссаси ҳамда республикамизнинг замонавий ижтимоий-иқтисодий таракқиёти ҳақида хикоя қилувчи ҳужжатли фильм иштирокчиларда катта қизиқиш уйғотди. Шунингдек, кеча қатнашчилари Ўзбекистонлик санъат усталари ижросидаги миллий ашула ва рақслардан баҳра олиш, ўзбек миллий таомларидан татиб кўриш имкониятига ҳам эга бўлиди.

хий обидалар ушбу гўзал диёрнинг нақадар қўҳна ҳамда бой тарихга эга эканлигидан далolat беради", деди у.

"Карлсхорст" маданий маркази вакили Х. Вейр айтганидек, мазкур тадбир қатнашчиларда катта таассурот қолдирди. "Ушбу кечада қатнашар эканман, жадал ривожланиб бораётган, тинчлик, осойишталик ва барқарорлик ҳуқи сураётган Ўзбекистон билан яқиндан ошно бўлганимдан мамнунман," деди у. — Насиб этса, юртингизни ўз кўзим билан кўриш, Ўзбекистоннинг тарихий бетақор шаҳарларига саёхат қилишни кўнглимга тугиб қўйдим".

Тадбир меҳмонларидан бири, Берлин шаҳрида истиқомат қилувчи Р. Братфш яқинда Ўзбекистонга амалга оширган уч хафталик саёхати мобайнида тарих ва замонавийлик ажиб бир тарзда уйғунлашиб кетган Самарқанд, Бўжоро ва Хива сингари шаҳарларда бўлганини, ўзбек халқининг самимийлиги, меҳмондўстлиги, ранг-баранг урф-одат ва аънавлари билан бевосита танишганини билдирар экан, бу саёхат бир умр ёдида қолажагини айтди.

«Жаҳон» АА. Берлин



Хабарингиз бор, олий ўқув юртилари талабалари ўртасидаги "Универсиада — 2013" спорт ўйинларининг республика босқичига Бўжоро вилояти мезбонлик қилади. Жойларда ана шу мусобақаларда иштирок этиш ҳуқуқини берадиган йўлланмалар учун худудий саралаш босқичлари бўлиб ўтди.

СПОРТ

Шашкачиларимиз муваффақияти

Пойтахтимизда шашка бўйича ўтказилган Осиё чемпионатининг 64 катакли йўналишида Бахслар яқунлашиб, голиб ва совриндорлар номи маълум бўлди. Унда ҳамюртларимиз 8 та олтин, 4 та кумуш ва 9 та бронза медалчини қўлга киритишди. Жумладан, Самандар Қалонов, Акмал Абдурахимов, Озодбек Урмоналиев, Шоҳжаҳон Ҳикматуллаев, Шаҳ-

зода Турсунмуродова, Зебинисо Мамадалиева, Сайёра Йўлдошева, Васфия Бердикулова ўз ёш тоифасида чемпионликка эришди. Муҳаммад Тошпўлатов, Мадина Гайбуллаева, Лайло Тошпўлатова ва Хумора Холикбердиева иккинчи ўринни эгаллашган бўлса, Хусниддин Жиянбоев, Алишер Ортиқов, Саидқосим Алиев, Умид Болтабоев, Бобур Донобоев, Шукрулло

Эргашев, Ирода Турсункулова, Соҳиба Тузалиева ҳамда Азиза Худойкуловага шохсупанинг учинчи поғонаси насиб қилди. Қўшма чемпионати доирасида, шунингдек, 64 катакли шашка бўйича блиц-турнир ҳам ўтказилди. Ушбу беллашувларда вакилларимиз 4 та олтин, 7 та кумуш ва 3 та бронза медалига сазовор бўлишди.

Ш. ОРТИҚОВ.

● Реклама ва эълонлар ●

Ғолиблар мамлакат босқичида қатнашади

Жумладан, Андижонда уюштирилган беллашувларда Фарғона водийсининг уч вилояти терма жамоалари волейбол, баскетбол, кўл тўпи ҳамда футбол бўйича ўзаро куч синашдилар. Ҳар бир учрашув жуда қизиқарли ва муросасиз кечди. Волейболда мезбонлар анча тажрибали эканликларини намойиш этдилар. Усмилар ўртасидаги бахсларда улар фарғоналик тенгқурларини 3:0, наманганлик спортчиларини 3:2, қизлар эса бир хил — 3:0 ҳисобида мағлубиятга учради.

ёшлар учун, чин маънода, чинқиш ва қамолот мактабига айланган. Олимпиада, қитъа ва жаҳон чемпионатлари, қатор халқаро турнирларда Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилаётган жуда кўп спортчиларимиз ўзларининг биринчи умидбахш ютуқларини айнан Универсиада мусобақаларида қўлга киритишгани барчамизга яхши маълум. Мен ҳам улар изидан боришни ният қилганман. Шу мақсадда астойдил тайёргарлик кўриб, Бўжорода жамоамиз ютуғига муносиб ҳисса қўшмоқчиман.

Одилжон ШОДМОНАЛИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ДИҚҚАТ, ФЕСТИВАЛЬ! «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси «Тегга Group» компанияси ва Ўзбекистон давлат консерваторияси билан ҳамкорликда 17 ёшдан 30 ёшгача бўлган профессионал ҳамда ҳаваскор санъаткорлар ўртасида анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган «МАРДИ МАЙДОН!» фестивали учун аризаларни қабул қилади.

Вазирлик, идора, корхона, ташкилотлар раҳбарлари, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари эътиборига! «Ўзметкомбинат» ОАЖ КИСЛОРОД-КОМПРЕССОР ЦЕХИ газсимон ва суюқ аргон (ГОСТ 10157-79) ишлаб чиқаради ва сотади.

UzCaseService Tel.: 120-60-97, 120-74-50. FIAT INDUSTRIAL NEW HOLLAND CONSTRUCTION. ИТАЛЬЯНСКОЕ КАЧЕСТВО. ТОВАР СЕРТИФИЦИРОВАН

LADA БИЗНЕС от дилера «SARDOR AVTO INVEST». ВИС-2347, LADA SAMARA, борт. ВИС-2347, LADA SAMARA, фургон. ВИС-23460, LADA NIVA, 4x4. ВИС-23461, LADA NIVA, 4x4.

Халқ сўзи Народное слово. МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ. 2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 554. 114 621 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоиси келишилган нархда.

Ташрифта келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас. Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

МАНЗИЛИМИЗ: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов. Навбатчи муҳаррир — С. Раҳмонов. Навбатчи — З. Худойкуров. Мусоҳҳиш — С. Исломов. «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА яқуни — 20.40 Тошширилди — 21.00 1 2 3 4 5